

12-iyun  
2025-yil 23 (1 125)

  
O'ZLIDEP



# АХХР

## IJTIMOIY TOSI



21asr.uz @XXIasr\_ azetasi XXI\_ xxiar

### АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БАЙРАМ

Бир ҳафтаки, Ўзбекистон халқи қўшалоқ байрамлар оғушида яшаётир. Шу вақтгача спорт бўйича ўтказилган қатор Олимпиадаларда эришилган улкан ғалабалар, жаҳон узра янграган Ватан мадҳиялари, сарбаланд ҳилпираган байроқларимиз ҳаяжони ҳали-ҳали босилгани йўқ. Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳридаги “Ал Наҳян” стадионида 5 июнь оқшомида кечган афсонавий ўйиндаги тарихий дурангдан сўнг... Кун кеча “Бунёдкор” стадионидаги ҳайқирик, олқишлар, қувонч кўз ёшлари асрларга татийди!



### МАТОНАТ МАЙДОНИДА

Ўзбек футболчиларининг тарихий ғалабасига бағишланади

Бу ғалаба тегишлидир  
тарихлар, асрларга,  
Ҳам бугунги авлодлар, ҳам  
келажак наслларга.  
Бир миллатнинг уч минг йиллик  
шашти унда мужассам,  
Бу ғалаба муҳташамдир,  
бу ғалаба – муаззам.

Етти ёшдан етмишгача –  
кўрди бор ёшу қари,  
Ўттиз саккиз миллёнли эл  
бир бўлиб кўрди бари.  
Ойбалдоқли келинчақлар,  
қизғалдоқлар кўрдилар,  
Бешиқларда минг-минг уйғоқ  
чақалоқлар кўрдилар.

Амирликлар диёрида  
ўзбекларнинг байрами,  
Минг йилларга қурбонлиқдир  
бу байрамнинг ҳар дами.  
Шундай олий лаҳзаларда  
халқ қудратга айлангай,  
Ўттиз саккиз миллён юрак  
бир миллатга айлангай.

Она халқим, бор кечмишинг –  
синов, имтиҳонларинг:  
Эгатларда қолиб кетди  
не-не чемпионларинг.  
Мен футболчи бўлолмадим,  
Вақт бўлди ҳакамим,  
Футболкамда қолиб кетди  
ўн биринчи рақамим.

Бу ғалаба осмонлардан  
шундоқ тушиб келмади,  
Элнинг орзу-армонлари,  
заҳмати бу, меҳнати.  
Хайр, Абу-Даби, хуш қол!  
Сенга ҳам “Гуд бай”, Дубай!  
Она юртим, тупроғингга  
сажда айлаб, бир ўпай!

Футбол эмас, асли Ватан  
дарвозаси эрур бу,  
Уни бутун сақламоқлик  
шараф эрур, ғурур бу.  
Қанча зуғум ўтказмасин  
рақиблар исканжаси,  
Шербаччанинг панжасидай –  
Ўткирбекнинг панжаси.

Миллён-миллён элдошларинг  
қўллаб турди гулдурос:  
Аббос, фақат олдга босгил!  
Фақат олға бос, Аббос!  
Шижоату шиддатида  
Бойчибор, ғиротни кўр,  
Бу майдонда Алпомишдай  
Элдор Шомуродни кўр.

Манов ўғлон Абдуқодир –  
Қодирийлар наслидан.  
Отабекдир бунинг исми,  
насли маълум аслидан.  
Ғирром дунё, кўзёшларин  
кўр Темур Копадзени,  
Босимларинг босилмади  
ҳаргиз, касофат сени.

Эзгулик ва ёвузликнинг  
азал ҳарбу зарбисан,  
Ёки ёддан чиқардингми  
Темур бобо зарбасин?  
Кўриб турдим мен, илк бора  
қоматларинг дол қолдинг,  
Ўн бир қаламқош боламинг  
қаршисида лол қолдинг.

Дилларида – она Ватан  
ори, ота макони,  
Бу жасорат майдонидир,  
бу матонат майдони.  
Ўйламангким, йўлингизда  
бир хавф, яъни Қатар бор,  
Ҳали қанча босим, яна  
қанча хавфу хатар бор.

Ер шарини бир коптоқдай  
топширмоқчи бўлганлар,  
Копток қилиб бир-бирига  
оширмоқчи бўлганлар,  
Билармисиз, ким не экса,  
ҳосил ҳам шундоқ бўлур?  
Чин ғалаба бундоқ бўлур,  
Ғалаба бундоқ бўлур.

Янги Ўзбекистон бугун –  
олам хаёлларида,  
Бу Уйғониш замонининг  
жонбахш шамолларида.  
Ўн бир ўзбек боласи бу –  
қошу кўздек боласи,  
Қўш қитъани бир қалқитди  
ўн бир ўзбек боласи.

Кўзинг қаросинингму бу,  
ё қошларинг “ё”си ё?  
Бу сенинг ҳам ғалабангдир,  
эй Марказий Осиё!  
Томоғимдан ўтмас сизсиз  
дамлаган байрам ошим,  
Қирғиз, қозоқ, туркман, тожик,  
қўллаб турдинг, қардошим!

Бу йўлда биз бирга чекдик  
қанча ранжу заҳматлар,  
Бизга доим дўст, хайрихоҳ  
ФИФАга ҳам раҳматлар.  
Бир миллатнинг уч минг йиллик  
шашти шунда мужассам:  
Бу ғалаба муҳташамдир,  
бу ғалаба – муаззам!

Миллат учун жонин тиккан  
зотлар токи ўртангай –  
Она Ватан, ота макон  
шарафларга буркангай.  
Шундай улўғ зафарларда  
Ўзинг қўлла, ё Раббий,  
Миллат ўзи Раҳнамодир.  
Раҳнамо – Бош мурабий!

## ТОШКЕНТ ФОРУМИ:

### ишончли, барқарор ва фойдали мулоқот майдонига айланади



Ахтам ХАЙТОВ,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасидаги  
O'zLiDeP фракцияси раҳбари

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро майдонда очик, прагматик ва барқарор тараққиётга асосланган сиёсат юритиш орқали жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортмоқда. Бу жараёнда Тошкент халқаро инвестиция форуми муҳим ўрин тутди. Тўртинчи бор ташкил этилган мазкур анжуман эса нафақат иқтисодий мулоқот майдони, балки Ўзбекистоннинг янги ташқи ва ички иқтисодий стратегик позицияларини теран аниқлаб берувчи саммитга айланди.

Шу билан бир қаторда ўтган йили инвестиция ҳажми 35 миллиард долларга, экспортимиз 27 миллиард долларга етгани – тўрт йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли тадбирнинг амалий натижасидир.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар самараси халқаро рейтингларда ҳам ўз муносиб асосини топмоқда. “Иқтисодий эркинлик индекси”даги ўрнимиз сўнгги беш йилда 48 ғоғонага юқори кўтарилди. Гарварднинг “Иқтисодий

мураккаблиги индекси”даги ўрнимиз 28 ғоғонага яқшиланди. Ўтган ойда нуфузли “S&P” агентлиги Ўзбекистоннинг суверен рейтинги прогнозини “барқарор”дан “ижобий”га оширди.

Форумнинг марказий ғояси сифатида инвестиция фақат иқтисодий манба эмас, балки тинчлик, инсон қадри, барқарор ривожланиш ва адолатли жамият қуришнинг асоси экани алоҳида таъкидланди.

Бу йўлда Ўзбекистон 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотни 200 миллиард долларга етказиш борасида улкан мақсадларни кўзлаган. Бу нафақат иқтисодий рақамлар, балки Ўзбекистонни янги тараққиёт босқичига олиб чиқадиган дастурдир. Иқтисодиётни модернизация қилиш, экспортни кенгайтириш ва халқаро рейтингларда юқори натижалар қайд этилиши сўнгги тўрт йилда ўтказилган форумлар таъсирини кўрсатиб турибди.

Президент томонидан белгилаб берилган тўртта стратегик йўналиш

— янги Ўзбекистон иқтисодиётини шакллантирувчи устунлардир. “Яшил” энергетика соҳасида амалга оширилган лойиҳалар, соҳага жалб қилинган миллиардлаб инвестициялар ва келгуси беш йилда “яшил” энергия улушини 54 фоизга етказиш режаси Ўзбекистоннинг глобал иқлим муаммоларига жиддий муносабатини кўрсатади.

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллектга оид ташаббуслар мамлакатни IT ва Fintech марказига айлантириш сари босилаётган аниқ қадамлардир. 20 та рақамли маълумотлар маркази (data center) қурилиши, “Бир миллион сунъий интеллект етакчилари” дастури ва сунъий интеллектнинг миллий модели инновацион иқтисодиёт қурилишидаги муҳим омиллардир. Бу соҳалар бўйича халқаро рейтингларда юқори кўтарилиш ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда.

3

### Бозорнинг адолат тарозиси бутун...ми?

3.



### Пишгани фойдалими ё қуритилгани?

5.



### Қимирлаган... “Captiva” минади-да!

6.



# ЎЗБЕКИСТОН — ХАЛҚАРО БИЗНЕС УЧУН ИШОНЧЛИ МАНЗИЛ

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ЛОЙИҲАЛАРГА ЙЎЛ ОЧУВЧИ ТАДБИР, БАЛКИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ  
ЖАҲОН БОЗОРИДАГИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ СТРАТЕГИК КЎЗГУДИР

Инсоният XXI асрда рақамлаштириш, яшил иқтисодиёт, инновацион технологиялар ва глобал рақобат даврини бошдан кечирмоқда. Бу жараёнда ҳар бир давлат ўз иқтисодий моделининг янада эркин, жозибали ва халқаро сармоялар учун очик бўлишига интилмоқда. Ўзбекистон ҳам ана шундай ўзгаришлар марказида турибди.

Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, молиявий очиклик ва ҳуқуқий кафолатлар, эркин бозор тамойиллари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш – барчаси мамлакатимизни халқаро сармоя учун жозибали манзилга айлантирди. Бу жараёнда IV Тошкент халқаро инвестиция форуми стратегик аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини бутун дунёга намоян этмоқда.

Ушбу нуфузли тадбир нафақат сармоя жалб қилиш, балки юртимизнинг дунё бизнес ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, иқтисодий модернизацияси ва институционал салоҳиятини кенг миқёсда намоян этишга хизмат қилмоқда. Шунинг билан бирга, глобал молия тизимида кескин ўзгаришлар юз бераётган бир пайтда Ўзбекистонни ишончли ҳамкор сифатида кўрсатиш имконини бермоқда. Унда халқаро молия ташкилотлари, сиёсатчилар, иқтисодчилар, етакчи корпорациялар ва инвестиция фондларининг топ-менежерлари, шунингдек, барқарор ривожланиш, инновациялар ва рақамли трансформация соҳасидаги экспертларнинг иштирок этаётгани Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончнинг ортиб бораётганидан далолат беради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган турли инвестициявий лойиҳаларнинг шаффофлиги ва мазкур йўналишда бюрократик йўللардан қочилаётгани эса хорижий инвесторларда мамлакатда бизнес қилиш истагини ошираётгани бор гап. Бугун дунёда ўзаро ишонч йўқолган бир пайтда сармояларни жалб қилиш осон эмас. Бунинг учун уларга маъқул келадиган ислохотларни ўтказиш керак. Ўзбекистон бу йўлда жиддий қадамлар ташлади.

Бунинг исботи ўлароқ, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётига 90 млрд. доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб қилингани, бу эса ўтган йили миллий ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига ёрдам бергани алоҳида қайд этиш зарур. 2024 йилда Ўзбекистоннинг реал ЯИМ ўсиши 6,5 фоизни ташкил қилди, бунда инвестициялар 27,6 фоизга ўсди. Белгиланган режалар амалга ошадиган бўлса, 2030 йилга бориб Ўзбекистон иқтисодиёти 200 млрд. долларга етади ва бу жараёнда хорижий инвестицияларни жалб қилиш муҳим роль ўйнайди.

IV Тошкент халқаро инвестиция форуми ўз қўлами ва мазмунан бой дастури билан аввалги йиллардан кескин фарқ қилди. Жаҳоннинг 90 дан ортиқ мамлакати вакиллари, 3 мингдан зиёд иштирокчи, етакчи транснационал корпорациялар ва молиявий институтлар раҳбарлари, БМТ, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, ЕТББ каби тузилмалар вакиллари иштирок этган мазкур тадбирда реал секторга инвестиция жалб қилиш, энергетика, sanoat, рақамли иқтисодиёт, финтех ва яшил технологиялар бўйича стратегик музокаралар олиб борилди.

Бўлиб ўтган панель сессиялар ва стратегик муҳокамаларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, “яшил” энергетика ва қайта тикланувчи энергия манбалари, автомобилсозлик ва машинасозлик, электроника ва финтех тармоқлари, агросаноат кластерлари, қишлоқ хўжалиги модернизацияси, сув ресурсларини бошқариш ва иқлим ўзгаришига мослашиш, давлат активларини хусусийлаштириш ва IPO жараёنларига алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, солиқ имтиёзлари, юридик кафолатлар ҳамда ҳуқуқий базанинг барқарорлиги ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Форумдаги иштирокчилар сони ва географиясининг кенгайиб бораётгани Ўзбекистонга бўлган қизиқиш, ишонч ва истикболларга ижобий қарашнинг натижасидир. Шунингдек, форумда илк бор инвестиция кўргазмаси ташкил этилган маҳаллий компаниялар учун янги бозорларга чиқиш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида хорижий инвесторлар билан кенг қўламли очик мулоқот ташкил этилиб, унда халқаро сармоядорлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб борилди. Давлатимиз раҳбари томонидан солиқ ва божхона ислохотларини давом эттириш, хусусий мулк ҳимоясини кучайтириш, инвестицион низоларни ҳал қилиш механизмларини соддалаштириш, кадрлар тайёрлаш, технопарклар ривож ва бизнес-муҳит шаффофлигини ошириш каби масалалар юзасидан аниқ ташаббуслар билдирилди.

Фаровон Ўзбекистонни барпо этишнинг асосий стратегик устувори йўналиширидан бири сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи алоҳида ўрин эгалламоқдаки, бунда Ўзбекистон етакчисининг интеграциялашган иқтисодий сиёсати, диверсификацияланган ишлаб чиқариш йўналишлари, давлат кафолатлари, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил қилиниши, солиқ имтиёзлари ва сармоя учун қулай муҳит яратиш борасидаги қатъий сиёсати натижасида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг жозибador инвестиция манзилларидан бирига айланди.

Иқтисодчи сифатида шуни таъкидламоқчиманки, IV Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистон иқтисодиётига бир неча йўналишда катта таъсир кўрсатади. Биринчидан, форум халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистоннинг жорий инвестиция муҳити ва иқтисодий ислохотлари ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумот беради. Бу эса инвесторларнинг мамлакатга бўлган ишончини янада оширади. Иккинчидан, янги инвестиция шартномаларининг имзоланиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида кўпайтирди. Бу эса янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, мавжудларини модернизация қилиш ва умумий иқтисодий ўсишни таъминлаш учун муҳимдир. Учинчидан, форум доирасида муҳокама қилинадиган соҳалар – кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш,

sanoat, автомобилсозлик, машинасозлик, электротехника, “яшил” энергетика, финтех ва электрон тижорат каби йўналишлар Ўзбекистон иқтисодиётининг диверсификацияси ва инновацион ривожланишига хизмат қилади. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва турмуш даражасини яхшилашга олиб келади. Тўртинчидан, форум халқаро молия институтлари, ҳукуматлар ва йирик корпорациялар ўртасидаги мулоқотни кучайтиради, бу эса келгусидаги ҳамкорлик лойиҳалари учун замин яратади. Буларнинг барчаси янги Ўзбекистонда фаровон жамият қуриш мақсадларига эришишда муҳим омил ҳисобланади.

Бяламики, иқтисодий тараққиётни янада жадаллаштиришнинг асосий манбаи – бу тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, sanoatда локаллашув даражасини ошириш, техник таълим ва кадрлар тайёрлашдаги ислохотлар сармоядорлар учун янада қулай шароит яратмоқда.

Мазкур халқаро анжуманда билдирилган фикрларга қўра, Ўзбекистонда яратилган инвестицион кафолатлар, солиқ имтиёзлари ва ҳуқуқий барқарорлик давлат томонидан капитал оқимларини рағбатлантиришга қаратилган муҳим қадамлардир. Биринчи форумдан кейинги ўтган уч йил ичида мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш, бизнесга кенг йўл очиш, бу борада қонун устуворлиги ва ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлаш бўйича тизимли ислохотлар давом эттирилди.

Жумладан, минтақамиздаги энг қулай фискал тизимни яратиш бўйича катта қадамлар ташланди. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Шунингдек, қўшилган қиймат солиғини экспортчи корхоналарга 7 кун ичида қайтариш жорий қилингани, солиқ ва божхонада ўзаро ҳисобга олиш йўлга қўйилгани тадбиркорларга енгиллик берди. Бундан ташқари, хорижий инвесторларнинг ўз акцияларидан оладиган дивидендлари уч йил муддатга солиқдан озод қилинди, улар учун фойда солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Муҳими, солиқ ва божхона қонунларига янги ёки огирлаштирувчи босқичлар қоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Бу чоралар натижасида мамлакатда хорижий инвестицияларнинг улуши 2021 йилдаги 6,4 млрд доллардан 2024 йилда 10,6 млрд долларгача ўсди. 2025 йилда эса бу кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

Илк бор ўтказилган инвестиция кўргазмаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, маҳаллий корхоналарнинг экспортроқ маҳсулотлари ва янги лойиҳаларини халқаро

сармоя билан эмас, балки ички ишбилармонлик муҳитининг эркинлиги, бозор муносабатларининг ривожлангани ва давлатнинг институционал қуввати билан чамбарчас боғлиқ. IV форумда ушбу барча мезонлар синовдан ўтди.

Форумнинг иқтисодий самарадорлиги, макроиқтисодий барқарорликка ҳиссаси шундаки, ташқи савдо балансида юқори технологияли маҳсулотлар улуши ошиб бормоқда. Бу эса инвестициянинг “сифати” ҳам юқори эканини аниқлатади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция, бу — иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболага бўлмайди. Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз.

Глобал иқтисодий натижаларни таҳлил қилганда, постпандемия давридаги тикланиш жараёнларида Ўзбекистон стратегик географик жойлашуви ва диверсификацияланган ишлаб чиқариш потенциалли туфайли муҳим устунликка эга экани яққол кўзга ташланади. Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлараро кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартлардан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан-йилга инвестицион муҳит жозибadorлигини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари яратиб келинмоқда.

Иқтисодиётдаги ижобий натижалар эса ижтимоий соҳада тўпланиб қолган муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини яратади. Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоян этиш чораларини қўриш кундалик ҳаётимиздан жой олган энг долзарб масалалардан бири.

Инвестицияларни жалб этиш институционал механизмларининг самарадорлиги макроиқтисодий кўрсаткичлар билан баҳоланади. Агар статистик маълумотларни таҳлил қилсак, Ўзбекистоннинг экспорт потенциали ошган, валюта захиралари мустаҳкамланган ва ялпи ички маҳсулот тузилмаси янада мутаносиблашган.

Форумнинг жозибали аҳамияти шундаки, янги инвестиция лойиҳаларини тақдим қилишга йўл очади. Инвестиция муҳитини яхшилаш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш ва инвесторлар учун қулай шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини оширади.

Қутиладиган натижалар орасида янги инвестиция шартномаларининг имзоланиши, инфратузилмани ривожлантиришга қўшимча маблағларнинг жалб қилиниши, мамлакат инвестициявий жозибadorлигининг ошиши, халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши шулар жумласидандир.

Форум натижаларидан келиб чиққан ҳолда шуни аниқ айтиш мумкин: келгусида мамлакатнинг ЯИМ ҳажми 200 млрд долларга етиши, экспортнинг кенгайиши ва маҳаллий ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлик салоҳияти ошиб бориши мумкин. Бу эса янги Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик мақсадларига мувофиқдир.

Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат иқтисодий лойиҳаларга йўл очувчи тадбир, балки Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини белгилаб берувчи стратегик кўзгудир. Шу маънода жорий йилдаги форумда эришилган натижалар – мамлакатимиз инвестиция сиёсатидаги очиклик, тизимли ёндашув ва иқтисодий мувозанатнинг таъминланишидан далолат беради.

Форум орқали Ўзбекистон нафақат янги сармоядорлар эътиборини жалб этмоқда, балки ички иқтисодиётни рақобатбардош қилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, инновациялар жорий этиш ва жаҳон бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлашдек стратегик мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу эса мамлакат тараққиётининг кейинги босқичларини белгилувчи асосий йўналиш ҳисобланади.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган IV халқаро инвестиция форуми нафақат иқтисодий, балки сиёсий-дипломатик мазмуни билан ҳам халқаро ҳамжамият эътиборини тортиди. Бу галги тадбирнинг ўзгача қиммати шунда бўлдики, унда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан глобал аҳамиятга молик уч муҳим ташаббус илгари сурилди. Ушбу баёнотлар тинчлик, барқарорлик ва инсонпарварлик ғоялари асосида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштириш сари йўналтирилган даъват сифатида янгради.

Гувоҳи бўлаётганимиздек, сўнгги йилларда дунёда тинчлик сўзи ниҳоятда кам эшитилмапти. Оғир вазиятлар,



**Нодир ЖУМАЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Фан, таълим, маданият, спорт ва**  
**ёшлар масалалари қўмитаси раиси,**  
**O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

қуролли тўқнашувлар, этник ва сиёсий қарама-қаршиликлар инсониятни яна бир бор ёввойи кучлар домига қараб сурмоқда. Ана шундай пайтда бир мамлакатнинг раҳбари халқаро минбардан туриб “келинг, тинчлик ҳақида гаплашайлик, келишайлик, инсониятни сақлаб қолайлик” деса, бунинг сиёсий, маънавий ва глобал аҳамияти беқўёйсир.

Президент Мирзиёевнинг нутқида алоҳида урғу берилган масалалардан бири — Украинадаги ҳарбий муаммонинг ечими бўлди. Давлат раҳбари бу можарони дипломатик йўл билан ҳал этишни таклиф этиб, хусусан, Истанбулда ўтказилаётган тўғридан-тўғри музокара жараёнларини қўллаб-қувватлашни баён этди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро можароларда қурол эмас, мулоқот, босқичлик ва ҳуқуқий ечимлар тарафдори эканини яна бир бор намоян этди. Ҳар қандай тўқнашув ортида инсоний фожиа турганини англаш ва шунга биноан муносабат билдириш — бу катта сиёсий жасорат намунасидир.

Давлат раҳбари Фаластин муаммоси ҳақида ҳам тўхталиб, уни халқаро ҳуқуқ ва БМТ резолюциялари асосида ҳал этишни ягона тўғри йўл эканлигини қайд этди. Ўзбекистон халқларнинг ўз тақдирига эғалик қилиш ҳуқуқини ҳурмат қилади ва икки томонлама мулоқот ҳамда конструктив ёндашувни қўллаб-қувватлайди. Бу ташаббус нафақат муслмон мамлакатлари, балки бутун адолатпарвар инсоният эътиборида бўлди. Фаластин халқининг мустақил давлатга эга бўлиш ҳаққи, унинг ўз тақдири устидан тўлиқ эғалик қилиш ҳуқуқи эътироф этилди.

Учинчи ташаббус Афғонистон бўйича билдирилди. Президент халқаро ҳамжамиятни ушбу мамлакат билан мулоқотдан четга чиқмасликка, унинг яққалиниб қолишига йўл қўймасликка чақирди. Мазкур позиция Ўзбекистоннинг ҳам жаҳон хавфсизлигига фаол ва масъулиятли ёндашуви, конструктив ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсий стратегиясини тасдиқлайди.

Мазкур ташаббуслардан англаш мумкинки, сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги энг йирик бурилишлардан бири – унинг халқаро минбарларда адолат ва тинчликка оид масалаларда юксак даражада фаол иштирок этаётганидир. IV Тошкент халқаро инвестиция форумидаги сиёсий ташаббуслар Ўзбекистоннинг бугунги кунда фақат иқтисодий эмас, балки глобал сиёсий фаолиятда ҳам масъулиятли иштирокчи сифатида ўзини намоян қиляётганини кўрсатди. Тошкентдан бошланган бу сиёсий мулоқот нафақат иқтисодий ҳамкорликнинг, балки инсон ҳуқуқлари, тинчлик ва барқарор тараққиётнинг дипломатия кўзгусидир. Бундай сиёсий ирода ва ташаббуслар дунё ҳамжамияти томонидан муносиб эътибор ва амалий қўллаб-қувватлашга лойиқ.

Илгари сурилган мазкур уч муҳим глобал ташаббус — мамлакатимизнинг халқаро сиёсатдаги янги даражаси, етакчи позицияси ва геостратегик масъулиятини аниқлатади. Тошкент форуми орқали илгари сурилган бу ташаббуслар Ўзбекистоннинг глобал сиёсий саҳнадаги фаол позициясини, тинчликпарвар, ҳолис ва инсонпарвар давлат сифатидаги мақсадларини яққол намоян қилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳар бир мурожаатида умуминсоний қадриятлар — адолат, мулоқот, инсон ҳуқуқлари ва ҳурмат тамойиллари асос қилиб олинган. Бу ташаббуслар нафақат сиёсий декларациялар, балки амалий ҳаракатларга чорловдир. Бугун дунё тинчлик истаяпти. Ўзбекистон эса бу тинчлик учун сиёсий ирода, дипломатик куч ва ҳалол позицияни намоян этишда давом этмоқда.

Хулоса шуки, мамлакатимиз иқтисодиётидаги янги босқич халқаро сармоялар билан ҳамқадам ривожланиш стратегияси орқали амалга ошмоқда. Бу жараёнда ҳал қилувчи роль ўйнаётган асосий платформалардан бири – IV Тошкент халқаро инвестиция форумидир. У нафақат инвестицияларни жалб қилиш механизми, балки халқаро иқтисодий дипломатиянинг фаол воситаси сифатида ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлади. Эришилган келишувлар ва келажақда амалга ошириладиган лойиҳалар мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.



ИНСОН ҚАДРИ

# БОЗОРНИНГ АДОЛАТ ТАРОЗИСИ БУТУН...МИ?

Бозорнинг шундай нуқталари борки, у ердан ҳар доим харидорнинг оёғи узилмайди. Яна шундай жойлари борки, у ерга харидор ҳадеганда боравермайди. Бозорчилар бу расталарни “кўр нуқта”лар дея эътироф этишади. Савдонинг ҳадисини олган сотувчи ҳеч қачон бундай жойда маҳсулотини ёймайди. Улар одамгир жойларни моҳирлик билан эгаллаб, имкони борича бундай жойларга янги сотувчиларни йўлатишмайди. Аммо бундайлар одатда киш ойлари бирор касаллик, жумладан, оёғини захга олдиришни истамагани боис вақтинча савдодан чекинадилар. Кунлар исиши билан “эски бўрилар” ёмғирдан кейинги қўзиқориндай яна пайдо бўлиб, ўз ўрнида савдо қилаётган “ҳаваскор”ларни қувиб соладилар...

Юзидаги ажинлар, қўлидаги ҳар бир қадок оғир ўтмишидан ҳикоя қилувчи онахон Қўйлиқ бозориди мева-чева сотади. Нима бўлди-ю, яхшигина харидор айланиб турадиган жойидан бир зумда ажралиб қолди. Наҳот истаб ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа югурди. Аммо натижа бўлавермагач, ижтимоий тармоқлар орқали ачиқ-ачиқ сўз айтиб чиқди.

– Уша онахоннинг ижтимоий тармоқларда айланган видеомурожаатини кўриб, қаттиқ таъсирландим, – дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Барно БЕРДИЕВА** ушбу масалани ўрганиш учун “Қўйлиқ” деҳқон бозори маъмурияти вакиллари билан суҳбатда. – Бир ўйлаб кўринг, киши саксон ёшида бозорда савдо қилиши учун қандай сабаб керак? Албатта, йўқчилик, рўзғорни ҳалол риқ билан таъминлаш истаги. Бу ёшида бозорда савдо қилишнинг ўзи бир жасорат. Шунинг учун биз уларга ҳурматни алоҳида сақлашимиз зарур. Онахоннинг кўз ёш тўкишига қайсидир ходимнинг хатти-ҳаракати сабаб бўлгани аниқ.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Инсон қадри учун” тамойили бизнинг энг улуг ғояларимиздан бири. Бу ислохотлар халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган. Бироқ ҳалигача баъзи мутасадди шахслар бу тушунчаларни тўлиқ англаб етмагани халқнинг давлатга нисбатан ишончига путур етказиб, арзимас масалаларни катта муаммоларга айлантирмоқда.

Қолаверса, кези келганда айтай, ушбу муаммо нафақат бозорда савдо қилаётган мана шу онахонимиз каби сотувчиларга маънавий ва моддий зарар етказмоқда, балки ўз маҳсулотини бозорга олиб келган тadbиркор ва деҳқонларга ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, пишиқчилик мавсумида деҳқон ўз маҳсулотини сотиш учун бозорга чиқади, тўғрими? Маҳсулотини тез ва адолатли шартларда сотиш зарур, чунки у ҳам эртан-

ги кун, рўзғори фаровон бўлиши учун ҳаракат қилмоқда. Агар биз уларга керакли ёрданми кўрсатмасак, эртага бутун халқнинг қаршисида жавоб беришингизга тўғри келади.

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда аввало инсон, сўнгра жамият ва давлат деган тушунчани Конституциямиз ва қонунларимизга сингдира олдик. Янги Ўзбекистон “Инсон қадри устувор бўлган жамият ва халқларвар давлат” деган муҳим ғоя негизда барпо қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган бу улугвор мақсад асосида халқимиз янгидан-янги ислохотларнинг ҳақиқий муаллифига айланиб бормоқда. Хусусан, ортда қолган йилда аҳолини ижтимоий ҳимоя билан қамраб олиш мақсадида 12,3 трлн сўм маблағ йўналтирилди. Пенсия ва нафақалар миқдори мунтазам ошириб келинмоқда.

Бу борада O‘zLiDeP томонидан ҳам қатор ташаббуслар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, сиёсий куч ташаббуси билан “Огоҳ бўлинг – ис гази” акцияси доирасида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган 10 мингга яқин хонадонга ис газини аниқлайдиган ускуналар бепул ўрнатиб берилди. Бу албатта қувонарли, бироқ ушбу ғояни кундалик ҳаётимизга янада чуқур сингдиришни даврнинг, қолаверса, юқоридаги каби ҳолатларнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Юқоридаги ҳолатларга ўз вақтида ижобий ечим берилиши зарур. Акс ҳолда юртимиздаги ҳар бир инсоннинг ташвиши бутун жамият муаммосига айланади. Бу эса инсон қадрига нисбатан муносабатни ифодалайди.

Шунинг учун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Барно Бердиева айримларга ўхшаб томошабинлик қилолмади, аксинча, “Қўйлиқ” деҳқон бозоридаги онахоннинг ҳузурига бориб, у билан самимий мулоқотда бўлди:

– Сизни сўзларингизни ижтимоий тармоқлар орқали кўрдим. Айтган таъсирли ва асосли гапларингиз мени ўйлантириб қўйди. Тирикчилик қиламан деб бозорда савдо-со-



тиқ билан шўғулланар экансиз. Шундай улуг ёшда ҳам тирикчилик учун меҳнат қилишнинг ўзи бир жасорат. Мен оддий бир депутат сифатида бу каби ҳолатларга ҳар доим ечим топишга ҳаракат қиламан. Ахир, халқимизнинг, сиз каби онахонларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, инсон қадрини улуглаш учун иш олиб бораёلمиз-ку!

Депутатнинг ушбу сўзлари онахоннинг кўнглига таскин бағишлади. У ҳаяжон ва самимият билан халқ вакилига миннатдорлик билдириб қўйидагиларни баён қилди:

– Ҳаётда ҳар бир одам ўз рўзғори учун курашади. Мени ҳам муҳтожлик бозорга етаклаб чиқди. Афсуски, бу ерда бундай муаммога дуч келаман, дея сира ўйламаган эдим. Сизларнинг аралашуvingиз билан ҳаммаси яхши томонга ўзгарди. Бунинг учун ҳаммадан, айниқса, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан жуда миннатдорман. Элим деб, юртим деб яшаётган сиз каби халқларвар депутатларга ҳам алоҳида раҳмат!

– Бу каби ҳолатлар бўлиши, албатта, ачинарли, – дея жавоб қайтарди депутат. – Лекин ўзингиз ҳам гувоҳ бўлиб турибсиз, юртимизда Президентимиз бошчилигида катта ишловий ўзгаришлар бўлмоқда, кенг имконият ва имтиёзлар яратиб берилляпти. Табиийки, ислохотлар

фонида бундай муаммолар ҳам бўлиб турибди. Ўйлайманки, бунга сабаб ҳалигача давлат сиёсатини баъзи бир раҳбарларимизнинг англаб етмаётганлигидир.

Биз бу масалада бозор маъмурияти билан гаплашдик. Биргина сизнинг масалангиз юзасидан эмас, балки тadbиркорлар ва харидорларга муносиб шароит яратиш юзасидан келишиб олдик. Бундан кейин бозор маъмурияти сизларнинг фаолиятингизга барча қулайликларни яратиш учун қаттиқ меҳнат қилади. Ўйлайманки, бундан кейин сиз ва сизга ўхшаб тирикчилик учун бозорга чиқиб ҳалол пул топаётганларда муаммолар бўлмайди. Биласиз, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг асосий мақсади ишбилармон ва тadbиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда имкониятларини янада кенгайтиришдан иборат. Опаҳон, мана бу менинг шахсий маълумотларим ва телефон рақамим. Бундан кейин муаммо бўлса, нафақат сиз, балки бошқа тadbиркорлар ҳам бемалол менга мурожаат қилишингиз мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, “Қўйлиқ” бозоридида онахон воқеаси – бу шунчаки бир шахснинг ҳаётидаги кичик воқеа эмас, балки бутун жамиятимизда инсон қадрига бўлган муноса-

батнинг қай даражада эканини кўрсатадиган муҳим мезондир. Ҳа, бозорда ҳар кимнинг ўз ўрни, ўз “қонуни” бор. Аммо ана шу “қонун”лар адолатни эмас, кучлининг манфаатини устун қўя бошласа, у ерда на меҳнатга, на одамга ҳурмат қолади. Ҳақиқатни айтган, ризқини ҳалол меҳнати билан топаётган оналаримиз, кексаларимиз ҳаётнинг ҳар қандай оғир вазиятида ҳам шу қадар собитқадам ва жасур бўлса, уларнинг қўлидан ушлаб, елкадош бўлиш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Олдимизда турган асосий вазифа – “Инсон қадри учун” деган эзгу ғояни шунчаки шiorга эмас, амалий ҳаёт мезонига айлантиришдир. Бу фақат қонунлар ёзиб қўйиш билан эмас, балки ҳар бир мутасадди, ҳар бир раҳбар ва албатта, ҳар бир фуқаро бу ғояни ўз қалбидан ўтказиб, ҳаётга татбиқ этсагина рўёбга чиқади.

Барно Бердиева каби халқ дарди билан яшайдиган ва унга ечим излайдиган халқ вакиллари қўпавверсин. Чунки мамлакатнинг тараққиёти, инсоннинг қадр-қимматиға бўлган муносабатидан бошланади.

Ўз мухбиримиз

ТИББИЁТДА 90 КУНЛИК ЎЗГАРИШЛАР

## ТОШКЕНТ ФОРУМИ:

# ишончли, барқарор ва фойдали мулоқот майдонига айланади

◀Бошланиши 1-саҳифада.

Шу билан бирга, молия соҳасидаги кенг қамровли ислохотлар, суғурта ва венчур капитал лойиҳаларини жорий этиш, муқобил инвестиция инструментларининг ривожланиши ҳам мамлакатда бизнес ва стартап муҳитининг ўзгарганини яққол кўрсатади. Ўтган йили иккита стартапнинг капитализацияси 1 миллиард доллардан ошди. Бу эса Ўзбекистонда инновацион иқтисодий муҳит шаклланаётганидан далолат бериб турибди.

Саноатни технологик минераллар асосида ривожлантириш, “Келиажак металлари технопарки” лойиҳаси ва 3 триллион долларлик табиий ресурслар захираси Ўзбекистоннинг янги саноат даврига кирганини англатади. Геологиядан тортиб, қайта ишлашгача бўлган занжирни қурган инвесторларга берилган имтиёзлар эса амалий чоралар тўпламидир.

Эътиборли жиҳати, давлатимиз раҳбари форумда қатнашиб, аввало, дунёдаги бугунги ташвишли вазиятни қисқача таҳлил этар экан, ҳозир геосиёсий жараёнлар шиддат билан ўзгариб, глобал хавфсизлик ва барқарор тараққиётга таҳдидлар кучайиб бораётганига алоҳида урғу берди. Айниқса, минтақавий можа-ролар ва муаммоларни фақат дипломатик воситалар билан, халқаро ҳуқуқ нормалари ва принциплари асосида, БМТ резолюцияларига мувофиқ ҳал этиш муҳимлигини таъкидлади.

“Мен ҳозир таъкидлаб ўтган муаммолар бўйича барча шерик давлатларимизни очиқ ва кенг қўламли

халқаро ҳамкорликка қақирамиз. Чунки форумнинг асосий мавзуси бўлган инвестициялар – фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорлиқнинг кафолатидир, – деди Президентимиз.

Шу билан бирга, форум иштирокчиларини нафақат даромад келтирадиган, балки инсон қадрини улуглаш, унинг ҳаётий манфаатлари ва жамият тараққиётини таъминлаш учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қиладиган инвестиция муҳитини яратишга даъват этди. Шунингдек, инвестицион муҳитни янада яхшилаш, хорижий сармоядорлар учун миллий режим жорий этиш, “ягона дарча” тамойили, давлат-хусусий шериклик механизмларини ривожлантириш каби ташаббуслар орқали 2030 йилгача Ўзбекистоннинг кредит рейтингини “инвестицион” даражага олиб чиқишлиши мақсад қилинганини таъкидлади. Бу мақсад сўз билан эмас, аниқ ислохотлар ва қонунчилик базаси орқали амалга оширилаётгани қайд этилди.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида “Миллий инвестиция жамғармаси”ни ташкил этиш ва унинг бошқарувиға “Franklin Templeton” каби халқаро таниқли компанияни жалб этиш борасида билдирилган таклифлар ҳам мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнининг халқаро стандартларга асосланганини англатади.

Шунингдек, Президент томонидан пойтахтда “Янги Тошкент” метрополитсини қуриш ташаббуси ҳам стратегик ва геоиқтисодий ўйланган лойиҳадир. Бу шахар нафақат аҳолига қулай инфратузилма, балки йирик молиявий ва логистик мар-

каз вазифасини ҳам бажаради. Бу ташаббус инвестицияларни ишлаб қилиш билангина чекланмасдан, балки шаҳарсозлик, туризм ва хизматлар соҳасига ҳам жалб этиш имконини яратади.

Тобора оммавийлашиб бораётган “Янги Ўзбекистон – инвестициялар учун катта имкониятлар мамлақати” тамойилини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида барча чоралар кўриляётгани аниқ. Бу борада Жаҳон савдо ташкилотининг алоҳида ўрни бўлиб, келгуси йилда ушбу Ташкилотнинг аъзосига айланиш бўйича ҳамкорларимиз билан фаол иш олиб бориляётганини, мамлакатимизда ҳарий муҳит яратиб беришда барча чоралар кўриляётганини эътироф этмоқ зарур. Айниқса, сўнгги йилларда қўшилларимиз билан йўлга қўйилган очиқ ва дўстона сиёсат натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги ҳамкорлик муҳити шаклланди.

Форум доирасида илк бор ўтказилган иқтисослашган кўргазма, маҳаллий компаниялар иштирокидаги ташаббуслар ҳам мамлакатнинг “фаол инвестор – фаол давлат” модели сари қадам ташляётганини исботлади.

Эътироф этсак арзийди, тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми – Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий жараёнлардаги роли, стратегик мақсадлари ва халқаро ҳамкорликка асосланган янги моделини очиқ ойдин намоён этди. Зеро, ушбу форум мамлакатимизнинг минтақа ва дунё сармоядорлари учун ишончли, барқарор ва фойдали маконга айланишига хизмат қилади.

# ҲАЛ ҚИЛУВЧИ МЕЗОН

Бугун орамизда ҳали рўзгор, ҳали иш ташвишлари билан банд бўлиб, ўз соғлиғига етарлича эътибор қарата олмаётганлар, афсуски, кам эмас. Одатда соғлиқ қадрига, бош ёстиққа теккач, хасталик ўз кучини кўрсатгандагина ета бошлаймиз.

Табиб – табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, табибёт соҳасидаги ахволни билимочи бўлсангиз, беморлар дардига қулоқ тутиб кўринг. Албатта, бундай кезлар кимдан шифокоралик билан оқ халат кийган шифокорларимиз ҳаққига дуо қилса, кимдир табибёт масканларидаги шароитдан, дори дармонларнинг нархи осмонда экандан ёзгаришди.

Ҳар қалай, бу гап-сўзларда ҳам жон бор. Соҳада халқ розилиғига эришиб, замон талаблари даражасида табибий хизмат кўрсатиш борасида қилинадиган ишлар талайгина. Бироқ сўнгги йилларда мамлакатимизда табибёт соҳасида олиб бориляётган ислохотлар сабаб соҳада жиддий ўзгаришлар содир бўлгани ҳам ҳақиқат.

Давлатимиз раҳбари раислигида табибётнинг бирламчи бўғини ва иқтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини янада ошириш, дори воситалари истеъмолини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилиш фақатгина эришилган натижалар таҳлили билан чекланмади, аксинча, навбатдаги муҳим устувор вазифаларни

белгилашда дастуриламал бўлди.

Хусусан, йиғилишда “Табибётда долзарб 90 кунлик ўзгаришлар” дастури бошланиши эълон қилинди. Қайд этиш жоизки, ушбу дастурга кўра, эндиликда табибёт тизимидаги ислохотлар рақамлару дабдабали ҳисоботлар билан эмас, балки биринчи навбатда инсонларга бериляётган эътибор, яратилляётган шарт-шароит ва қулай муҳит билан ўлчанади.

Ҳар бир киши касалхонага даво излаб боради. Жонинг оғриб турганида битта гап кам, иккитаси ортиқча. Айни шу жараёнда кутиш хоналаридаги қулайликлардан тортиб, ҳамшира ва табибёт ходимларининг муомаласи дард устига чипқон ҳам, бемор дардига малҳам ҳам бўлиши мумкин.

Бугунги кунда биргина Жиззах шаҳрида шахар табибёт бирлашмасига қарашли 6 та оливий поликлиника, 1 та болалар терапия бўлими, 1 та кўп тармоқли табибёт маркази ва кўплаб хусусий табибёт клиникалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Маълумки, табибётда инсон омили, яъни малакали мутахассислар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Янги тартибга кўра, эндиликда бирламчи бўғинда ярим ёки чорак штатли иш ўринларига бутунлай барҳам берилади. Барча шифокор ва ҳамширалар тўлиқ штат бирлигида фаолият кўрсатади. Дарахт бир жойда кўқаради, деганларидек, бундан мурдадо шуки, ходим асосий штат ўрнида фаолият олиб борса, даромади яхши бўлади. Даромади яхши бўлган шифокорнинг хотиржамлиги бўлади. Инчунин, ма- лака сертификати олганларга яна кў-



Шерзод МАМАТҚУЛОВ, O‘zLiDeP Жиззах вилоят ҳудудий партия ташкилоти аппарат раҳбари

шимча устамалар ҳам тўланади.

Шунингдек, жабҳада гигиена қоидаларига риоя этишни рағбатлантириш мақсадида “Тоза қўллар” дастури амалга татбиқ этилади. Унга кўра таълим, табибёт ва ижтимоий муассасалар кўл ювиш воситалари билан таъминланади.

Қолаверса, дастур доирасида кутиш жойларида қулай ўриндиқлар ўрнатиш, ногиронлиги бор шахслар учун зарур шароитлар яратиш, ис- сиқ сувли, тоза ҳожатхоналар барпо этиш вазифалари белгиланган.

Айни пайтда мазкур дастур доирасида амалга ошириляётган ишлар бевосита депутатларимиз томонидан назоратга олиниб, табибёт муассасаларидаги мавжуд ҳолат тўлиқ ўрганилмоқда. Йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, ижобий ечим изланмоқда. Шу билан бирга, соҳа мута- саддилари ҳисоботи тингланиб, ҳам- корликдаги чора-тадбирлар режаси белгиллаб олинмоқда.

Депутатларимиз томонидан ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар маҳаллий кенгаш сессия- ларига киритилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН  
ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ



ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛИГИГА САЙЛАНГАНЛАР

ЯГОНА САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИГА  
СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР РЎЙХАТИ АСОСИДА САЙЛАНГАН АЪЗОЛАР РЎЙХАТИ



Собитов Отабекхўжа



Нуриддинов Зиёвуддин



Соипхўжаева Сарвиноз



Эркинов Элмурод



Нажмиддинова Сарвара



Элмуродов Самариддин



Маматқулов Сардор



Набиев Умиджон



Омангалдиев Қудрат



Собирхўжаев  
Мухаммадсиддиқхўжа



Анваров Сардор



Усмонов Довуд



Туланова Севарахон



Талгатов Тимур



Алматов Сарвар



Усмоналиев Эркабой



Шавкатов Ахёржон



Анварбекова Чарос



Нарзиқулов Алишер



Мансуров Асадбек



Рузиев Исломбек



Одилжоновна Дурдона



Жўраева Севинчой



Жумаева Мафтуна



Турсунахматов  
Файзулло



Даробов Раҳмонжон

БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИГА САЙЛАНГАН АЪЗОЛАР РЎЙХАТИ



Хожанова Гульбани  
2-Қорақалпоғистон  
Республикаси сайлов округи



Базарбаева Шахноза  
3-Қорақалпоғистон  
Республикаси сайлов округи



Раджапов Бабур  
4-Қорақалпоғистон  
Республикаси сайлов округи



Расулов Нурулло  
5-Андижон вилояти сайлов округи



Абдуллаев Жаҳонгир  
7-Андижон вилояти сайлов округи



Азизова Висола  
11-Андижон вилояти сайлов округи



Каримов Бехруз  
12-Бухоро вилояти сайлов округи



Бобожонов Саиджон  
13-Бухоро вилояти сайлов округи



Ҳакимова Сарвиноз  
17-Жиззах вилояти сайлов округи



Санақулов Уқтой  
19-Навоий вилояти сайлов округи



Солижонов Учқунбек  
22-Наманган вилояти сайлов округи



Нўмонжонов Бунёд  
25-Наманган вилояти сайлов округи



Урунов Асадбек  
26-Наманган вилояти сайлов округи



Ҳолмирзаева Одина  
27-Наманган вилояти сайлов округи



Амируллаев Азизбек  
28-Самарқанд вилояти сайлов округи



Ҳасанов Хуршеджон  
31-Самарқанд вилояти сайлов округи



Орифжонов Далержон  
32-Самарқанд вилояти сайлов округи



Суяров Комилжон  
34-Самарқанд вилояти сайлов округи



Мурадulloева Севинч  
35-Самарқанд вилояти сайлов округи



Асатуллаев Отабек  
37-Сирдарё вилояти сайлов округи



Абдуразакова Рухшона  
39-Сурхондарё вилояти сайлов округи



Ашурова Мафтуна  
40-Сурхондарё вилояти сайлов округи



Асроров Зафар  
44-Тошкент вилояти сайлов округи



Абдуқарҳов Бекзод  
46-Тошкент вилояти сайлов округи



Раҳимов Исломжон  
51-Фарғона вилояти сайлов округи



Қодирова Севарахон  
53-Фарғона вилояти сайлов округи



Дилмуродов Дилмурод  
55-Фарғона вилояти сайлов округи



Бутахонов Зиёдulla  
58-Фарғона вилояти сайлов округи



Ярашева Азиза  
59-Хоразм вилояти сайлов округи



Базарбаев Сардор  
60-Хоразм вилояти сайлов округи



Жўрақулова Маржона  
63-Қашқадарё вилояти сайлов округи



Оқмаматов Сероббек  
65-Қашқадарё вилояти сайлов округи



Мирзаёрова Асила  
68-Қашқадарё вилояти сайлов округи



Насимова Юлдузхон  
69-Қашқадарё вилояти сайлов округи



Ким Эрнест  
71-Тошкент шаҳар сайлов округи



Солижонов Сарвар  
73-Тошкент шаҳар сайлов округи



Махмуджонов Элёржон  
74-Тошкент шаҳар сайлов округи



Шоумаров Имронбек  
75-Тошкент шаҳар сайлов округи

O'zLiDeP ЛОЙИҲАЛАРИ

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" аини лойиҳа доирасида маҳорат дарси ташкил этди. Унда тадбиркор аёллар, ўз хонадонларида иссиқхона хўжалигини ташкил этиш истагида бўлган оила бекалари иштирок этди.

Таҷрибали томорқачи Шоҳиста Ҳотамова томорқадан унумли фойдаланиш, ҳар қарич ерни даромад манбаига айлантириш ва иссиқхонада астрамерия гулини етиштириш бўйича ўз таҷрибаларини ўртоқлашди.  
– Иссиқхонада астрамерияни етиштиришда вақтида сув билан таъминлаш, минерал озуқа

Намунали томорқачи

бериш ва ҳароратни меъёрида сақлаш, ривожланаётган вақтда улар оралиғига ип билан тортилган ҳимоя воситаси муҳим ҳисобланади, – деди томорқачи.

Самарқанд туманининг Даштибод маҳалласида истиқомат қилувчи Шоҳиста Ҳотамова уч йил муқаддам икки сотих ерда иссиқхона хўжалигини ташкил этган ва ушбу гулларни етиштириш борасида муваффақиятга эришган. Даромади йилига 40-50 миллион сўм.

Маҳорат дарси иштирокчилар учун ҳар

жиҳатдан фойдали бўлди. Улар таҷрибали томорқачидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олишди. Бу эса келгусида шу каби фаолият турини ўз хонадонларида йўлга қўйиш ва қўшимча даромад топиш истагида бўлган хотин-қизларимиз учун нияҳатда қўл келади.

Насиба МҲМИНОВА,  
O'zLiDeP Самарқанд вилоят  
кенгаши бўлим мудири



# Пишгани фойдалими ё қуритилгани?

Халқ тили билан айтганда, бу йил чинакамига мева-чева йили бўлди. Баҳор яхши келгани учун барча мевали дарахтлар мўл ҳосилга кирди. Мамлакатимизда бугунги кунда 4 миллион гектардан зиёд суғориладиган экин майдони бор. Уларда, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва иктисодиёт тармоқлари учун хомашё етиштирилмоқда. Сўнгги йилларда пахта ва ғалла майдонларидан 260 минг гектар ер олиниб, полиз маҳсулотлари, мева-чева ва сабзавот етиштириш учун ажратилди.

Ўзбекистон ўрик экспорти бўйича дунёда учинчи, гилос ва шафтоли бўйича еттинчи, мош ва бошқа дуккакли маҳсулотлар бўйича ўнинчи ўринга чиқди. Биргина ўзимизнинг гилосимиз 16 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Мамлакатимиздаги томорқа ва уйлар олди, маҳаллалардаги кўчалар бўйи, дала чети ва каналлар атрофида 650 минг гектар ер бор. Шу боис маҳаллалардаги кўча ва кўп қаватли уйлар атрофида 10 миллион туп мевали дарахтлар ва узум экиш режалаштирилган.

Яна бир хушxabар: бу йил Ўмон Султонлигининг йирик савдо тармоқларида Ўзбекистон маҳсулотлари учун алоҳида раста ажратилиб, илк бор гилос, шафтоли ва ўрик экспорти йўлга қўйилибди. Бунини Малайзия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Сингапур, Жанубий Корея, Япония ва Европада ҳам кенгайтириш бўйича ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган ва-зифалар ижроси доирасида ҳар йили баҳор ва кузда 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатларини экиш режалаштирилган. Шу пайтгача вазирилик, идора ва ҳокимликлар томонидан 257 та “яшил боғ” барпо этилиб, уларнинг сони 517 тага етди.

Шу ўринда бизни бошқа бир муаммо ташвишга солмоқда. Бу республикаимизнинг барча ҳудудларидаги махсус мевачиликка ихтисослашган боғлар ҳамда фермер хўжалиқларидан ташқари аҳоли томорқалари, болалар боғчалари ва мактабларда, йўл ёқаларида, ариқ-канал бўйларида фарқ пишган ўрик, олча, тут, олхўри, олмалар тўкилиб ётгани билан боғлиқ кўнгилсиз манзаралардир. Энг ёмони, сизу бизнинг бефарқлигимиз оқибатида улар кўп жойларда териб олинмасдан нобуд бўлмоқда. Хўш, бундай исрофгарчиликнинг олдини олиш мумкинми? Албатта, мумкин. Фақат ўзимизда озгина ҳафсала, андаккина эътибор бўлса бас. Табиатнинг бебаҳо инъомларини бу даражада исроф қилиш инсофдан эмас, ахир! Кўчаларда тўкилиб, эзилиб ётган турли хил меваларни териб олиш ва уларни қуритиб, мева қоқи тайёрлашни кенгроқ йўлга қўйиш орқалигина бу муаммога ечим топсак айти мудоао бўлар эди.

Масалан, маҳалла, болалар боғчалари, мактаб, лицей, техникум, олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларнинг ўз ҳудудидаги меваларни териб олиб қуритиш ва ундан фойдаланиш кони фойда бўлиб, бу ишлар деярли маблағ талаб этмайди.

Биламики, юртимизда қадимдан меваларни қуритиб, улардан қоқи тайёрлаш анъанага айланган. Мезёрида



қуритилган туршак ва қоқиларнинг инсон организми учун нақадар фойдали эканини изоҳлаш шарт эмас. Шундай экан, биз санаб ўтган ташкилотларда ҳаммада 1-2 тоннадан мева қоқи қуритиб, улардан, масалан, боғча ва мактаб ўқувчилари учун компот тайёрлаш, маҳаллаларда эса кам таъминланган оилаларга тарқатиш ишларини йўлга қўйиш мумкин-ку!

Ушбу вазиятдан келиб чиққан ҳолда, соҳа мутахассислари сифатида ўз тавсияларимизни беришни жоиз деб топдик.

Ўзбекистонда ўрик, асосан, мевасини янгилигида истеъмол қилиш, қуритиш ва консервлалаш учун экилади. Қуритиш икки хил: табиий ва сунъий йўл билан амалга оширилади. Маҳсулотларни очик ҳавода сувсизлантириш табиий қуритиш дейилади. Бу жараён узок вақт давом этади.

Озиқ-овқат саноатида маҳсулотларни қуритишда сунъий усулдан ҳам фойдаланилади. Бу жараён махсус қуритиш қурилмаларида олиб борилади. Республикаимизда ёзда ҳарорат юқори, ҳаво намлиги паст бўлиши мева ва узумини офтобда қуритиш учун жуда қулай имконият ва шароит ҳисобланади. Офтобда қуритилган маҳсулот сунъий қуритилганига нисбатан сифати бўйича жуда юқори баҳоланади.

Сақлаш ва қуритиш жараёнида маҳсулотларни қорайишдан ҳимоялаш учун сульфитация қилинади. Маҳсулотларни сульфитация қилиш учун 0,1-0,5 фоизли натрий сульфит ( $\text{Na}_2\text{SO}_3$ ), натрий бисульфит ( $\text{NaHSO}_3$ ) ёки натрий пиросульфит ( $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_5$ ) эритмаларига 2-3 минут давомида ботирилади. Маҳсулотлар сульфитация қилинганда ран-



ги ва аскорбин кислота миқдори яхши сақланади.

Ўрикни қуритиш усуллари қараб ундан туршак, курага ва қайса олинади. Туршак – данаги билан қуритилган ўрик. Ўрикни қуритиш – ҳосилни узиш, ташиш, сақлаш, навларга ажратиш, калибровка қилиш, ювиш, қайноқ сувга ботириб олиш, дудлаш, қуритиш, намини бараварлаштириш, идишларга жойлаш ва сақлашдан иборат. Ўрик ўз навиға



хос ранг ва шаклга кирган, эти етарли даражада тигиз бўлган даврда узилади.

Очиқ жойда қуритиш 3-4 кун давом этади. Кейин ўрик сояга олиниб штабеллар (махсус жой)га тахланади. Шу ҳолда яна бир неча кун қуритилади. Ҳаммаси бўлиб қуритиш 8-10 кун давом этади. Меваси бир текис қуриб, пўсти ажралмайдиган бўлганда қуритиш тугалланади. Сиқилиб бир-бирига ёпишиб қолган мевалар осонгина ажралади. Аммо лаганда меваларни бир текисда қуритиб бўлмайди. Туршакнинг 75-80 фоизда намлик 15-17 фоизни ташкил қилса, обдон қуриган бўлади.

Қайса – данаги олиниб қуритилган ўрик. Уни тайёрлаш усули туршакникидан фарқ қилмайди. Масалан, мевалар лаганларда дудланган қуритиш майдонига қўйилади ва улар бир-икки кун туриб яна очик майдонда сақланади. Бир-икки кундан сўнг ағдарилиб, данаги олинган, усти ёпиб қўйилади. Бир кундан кейин улар штабелга олинади ва мевалар сояда қуритилади. Бундан кейинги ишлар туршак тайёрлашдан фарқ қилмайди. Қайса 8-13 кунда етилади.

Курага эса иккига ёриб қуритилган ўрикдир. У йирик мевалардан тайёрланади. Мевани териш, ташиш, сақлаш, навларга ажратиш ва ювиш туршак тайёрлашдан фарқ қилмайди. Яхшилаб ювилган ўрик чизиғидан иккига ажратилиб, данаги олинади. Бу иш қўлда бажарилади. Курага 5-7 кунда обдон қуриб бўлади. Уни қўлга олиб эзиб қўрганда синмайдиган, пўсти ва эти қайишқоқ бўлса, тайёр ҳисобланади. Унинг намлик даражаси 18 фоиздан ошмаслиги керак.

Айни пайтда қайноқ сувга пишиб олиш, дудлаш, сояда қуритиш каби усуллардан фойдаланмаган ҳолда ҳам туршак, қайса ва курага тайёрланмоқда. Аммо бундай маҳсулот одатда жигарранг ва қорамтир бўлади. Бу тавсияларни ҳар бир юртдошимиз мустақил равишда бажариши мумкин.

**Дўстмуҳаммад БОҚИЕВ,**  
**Ўктам ХУЖАНАЗАРОВ,**  
Низомий номидаги Ўзбекистон миллий педагогика университети ботаника ва экология кафедраси профессор ўқитувчилари

## ҚАШҚАДАРЁ ТОМОНЛАРДА

# ОЙЛИК ДОИРАСИДА

Халқ депутатлари Ғузор туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида туман камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлигининг туманда 2025 йил 1-чорагида аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сарни” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги 330-сонли қарори ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи эшитилди.



# АҲОЛИ БАНДЛИГИ – ЭНГ ОҒРИҚЛИ МАСАЛА

– Бугунги кунда туманимизда 224,3 минг нафар аҳоли истикомат қилади, – деди бўлим бошлиғи Тўймурод Қаноатов. – Шундан 111,9 минг нафар аҳоли меҳнатга лаёқатли бўлиб, 88,9 минг нафари иктисодий фаол бўлиб, 83,4 минг нафарининг бандлиги таъминланган. 4,2 минг нафар фуқаро хорижга ишлаш учун кетган. Ишсизлар сони 5521 нафарни ташкил этмоқда. Ўтган уч ой мобайнида 6549 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, йиллик режа 30073 тага нисбатан 21,8 фоизни ташкил этади.

“Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қароридида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республика-

си “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддаси ҳамда Ғузор туман ҳокимининг 2024 йил 24 октябрдаги қарори асосида ижтимоий муҳофазатга муҳтож ва иш топишда қийналаётган 7 нафар фуқаро тумандаги қорхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди.

Жорий йилнинг ушбу даврида Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан фуқаролар учун субсидия ва грантлар ажратилмаган. Жараиқ, Оби ҳаёт, Яргунчи, Қовчин, Апарди маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилаётган 1280 та оиланинг томорқа хўжалигини суғориш суви билан таъминлашда амалий ёрдам берилди. Тумандаги 51 та маҳаллада 52,8 минг оилада 224,3 минг аҳоли истикомат қилади. “Маҳаллабай ишлаш” тизими

доирасида 292 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратилди. Ўтган даврда 233 нафар хотин-қиз ва ёшларга касб-хунар ўргатилиб, шундан 56 нафарининг бандлиги таъминланди. Маҳаллаларнинг 4 таси кичик ишлаб чиқариш, 2 таси паррандачилик, 11 таси чорвачилик, 10 таси савдо ва хизмат кўрсатиш, 2 таси боғдорчилик, 2 таси иссиқхона йўналиши, 12 таси деҳқончилик, 1 таси балиқчиликка, қолган 7 та маҳалла бошқа соҳаларга ихтисослаштирилди.

Йиғилишда туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Икром Халилов, депутатлардан Ўрол Абдураҳимов ва Жамол Жумаев сўзга чиқиб, туман аҳолиси бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар талабга жавоб бермаслиги, йирик қорхоналар жойлашган бу ҳудудда иш топол-

май қийналаётган ёшлар хорижга иш излаб кетаётгани, оқова сув таъминоти ёмонлиги боис кўпчилик аҳоли томорқасига экин эка олмаётгани, фуқароларга томилиятиб ва ёмғирлатиб суғориш ускуналарини олишлари ҳамда чорвачилик ва лаликор деҳқончиликни йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредитлар ажратиш бандлигини таъминлашда янада яхшилашни алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Сайфулла ИКРОМОВ,  
“XXI asr” мухбири



Республикаимизнинг барча қорхона ва ташкилотларида бўлгани каби “Шўртан газ кимё мажмуаси”да ҳам жорий йил 20 майдан 20 июнга қадар “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” доирасида тадбирлар ўтказилмоқда.

Мажмуа саноат хавфсизлиги, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда Қашқадарё вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармалари, мажмуа ҳарбийлашган ёнғиндан сақлаш хизмати ва газдан қутқарув хизмати мутахассислари билан ҳамкорликда цех ва бўлимларда ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва ўқув машғулотларида асосий эътибор ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилмоқда. Учрашув, семинар ҳамда бирламчи воситаларни қўллаш бўйича мусобақалар билан бир қаторда объектларда махсус хизматлар куч ва воситаларини жалб қилган ҳол-

да ёнғинни ўчириш бўйича кўргазмали тактик тадбирлар ҳам ташкил этилмоқда. Шунингдек, ёнғин, авария ва фавқуллода ҳодаларлар содир бўлганда тўғри ҳаракатланиш тартиби, қутқарув ишларини ташкил этиш мақсадида амалий машғулотлар ўтказилмоқда.

Ходимларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга қаратилган тактик-амалий машғулотлар жараёнида қутқарув хизматлари ва ишчи-хизматчилар шартли равишда юзага келган ёнғинни бартараф этиш, жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш, хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш каби ҳаракатларни синовдан ўтказишмоқда. Ёнғин хавфини камайтириш мақсадида суялтирилган газ сақланадиган идишларни совитиш ишла-

ри тасдиқланган режа асосида амалга ошириляпти. Ишлаб чиқариш цехларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши, ўт ўчириш воситалари ҳолати назорат қилинган ҳолда ходимларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш мақсадида тактик машғулотлар ташкил этилмоқда. Ойлик доирасида хавфсизлик маданиятини ошириш ҳамда ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган омилларни бартараф этиш бўйича қатъий ва мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Мажмуада “Долзарб 30 кун” ёнғин хавфсизлиги ойлиги доирасида амалиётга асосланган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари, профилактик текширувлар ва ўқув машғулотлари изчил давом эттириляпти.

# АРМОНЛАР УШАЛГАН КҮН

Яқинда меҳнат таътилига чиқиб, ҳар доимгидек қишлоққа кетаман деб чоғланиб турувдим. Азамат айтиб қолди: “Дада, терма командамизнинг Бирлашган Араб Амирликларидаги ўйинига мухлислар сафарини уюштираётган гуруҳ ташкил этилаётган экан, бориб келмайсизми?” Юрагимга ўт тушди, ахир бир умр футболнинг ичида юрган одам бўлсам, ёзганим футбол, кўрганим футбол бўлса...

“Пахтакор-79” ҳалокат-га учраган, ўша машъум 11 августда ТошДУнинг журналистика факультети учинчи курсини энди тамомлаб, ўшда таътилда юрган эдим. Бу даҳшатли хабарни эшитиб, “дод” деб йиғлаб, шу кунгич Тошкентга учиб келганман. Тўғри “Пахтакор” стадиони-га борсам, мухлислар тўрт тарафда кўзлари тўла ёш билан изиллаб юришган экан. Кейин Тўлаган Исоқов келиб қолди. Одамлар унга ёпишиб, қучоқлашиб йиғлашарди. Ушанда Тўлаган ака жароҳати туфайли Москвага даволаниш учун кетгани сабаб, фожиадан омон қолган экан...

Хуллас, ҳайит арафасида қайдасан БАА, деганча жунавордик. Катта самолётнинг ичи тўла футбол шина-вандалари, ўйин-кулги рейс охиригача тинмади. Қолган ҳаяжонли воқеаларни барчангиз ўша кунги ўйинда кўрдингиз. Мухлислар жамоасининг ҳайқириқлари, олқишлари, энг зўри эса биз-ниқиларнинг ажойиб “қон-цертнамо шоу” мизни кўриб, мезбон-арабларнинг ҳам оғзи очилиб қолди! Жаҳон чемпионатида берилajak йўлланмани нақд қилиб қўйган жанговар дурангдан сўнг хув олис ўлка кўчаларидаги ўзбекона лутфда янграган концерт, атрофни тутиб кетган бақир-чақирлар ва ана шу матчга алоҳида тайёргарлик кўриб келган ногорачию



остида жаранглаб ётибди, дўстлар!

Ва араблар диёридан қайтганимдан бери ўзбек футболининг машаққатли, залворли, омаддан кўра кўпроқ омадсиз кечган ўтмиши кинолентасидек кўз олдимдан кетмаётди. Нега? Тўла ишонч билан айта оламани, бу кунни соғиниб-соғиниб, армон билан ўтиб кетган неча юзлаб доврुकли футболчилар, тренер ва спортчилар, зиёлилар, мухлислар орсуси ушалди!

БААдаги стадионда бошланиб, ҳамон давом этаётган тантаналар мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тўх-

ўз болаларининг эртасини ўйлаётган ота-оналарнинг аксарияти, шак-шубҳасиз, энди фарзандларини футбол мактабларига, секция ва тўғаракларга етаклаб боришади.

Ўзбекистон-Қатар терма командалари ўйинидан чиқиб, оломон ичида ким кулган, ким йиғлаган, кимлардир овозининг борица қўшиқ хиргойи қилиб, урилиб-сурилиб кетаётганимизда қўл телефоним жиринглади. Қишлоқдан ака-укаларим табриклашди. Сўнг телефон экранида узоқ Қирғизистоннинг тарихий Сафед-Бу-

мамлакатнинг футбол бўйича терма жамоаси жаҳон чемпионати мундиалига чиққани (чемпион ё нуфузли ўринларни эгаллаганини-ку қўяверинг) бир неча кунлаб байрам қилишганида қанчалар ҳавасимиз келганди. Мана, бизнинг кўчаларимиз, қишлоқ-овулла-римизда, шаҳар-туман марказларида ҳам бир ҳафтаки, шодиёналар тинмаяпти. Ватан байроқлари тўрт тарафда ҳилпираяпти. ОАВ куну тун ёритмоқда. Албатта, ҳар қанча байрам қилсак арзийди-да!

Футболдаги айрим аталарлар, кўпчилик яхши би-



карнай-сурнайчиларимизнинг маҳоратида ҳамма тан берворди ўзиям. Маҳаллий аҳоли бўлса ўйларининг деразаларидан ўзбекистонлик футбол мухлисларининг ҳаяжонли овозларини эшитиб ҳайратга тушарди...

Билсангиз, бундай тарихий воқеалар ўз-ўзидан содир бўлавермайди. Ҳар қандай доно башоратчининг ҳам тушига кирмаган ва бизлар учун қутилмаган буюк янгликка Ватандан неча минг қақирим узоқда, яна денг, бевосита стадионнинг ўзида шохид бўлмоқ шахсан менинг ҳам туши-шимга кирмаганида. Ҳақамангиз сўнгги хуштаги ҳамон қўлоғим

тагани йўқ. Айниқса муҳташам “Бунёдкор” стадионига давлат раҳбарининг шахсан ўзлари хорижий юксак мартабали меҳмонлар билан бирга терма жамоамизнинг қатарлик тажрибали футболчиларга қарши мурасасиз кечган ўйини томоша қилгани таширф буюргани миллионлаб мухлис-ларимизга, бутун халқимизга ҳам ўзига хос куч берди, руҳ берди!

Муболағасиз айтаманки, кечаги ўйин мантиқан Қурбон ҳайити арафасида ўтказилган матчнинг давоми бўлди. Роса 50 йилдан бери футбол журналисти сифатида балки минглаб ҳисобот, шарҳ, мақо-

лон, яъни менинг она қишлоғимдаги байрам шоусини кўзларимда ёш билан ҳаяжон ичра мириқиб томоша қилдим. Қишлоқ маркази, халқ тилида “Чойхона” дейилмиш масканда катта олов ёқилган, карнай-сурнай, ногоралар кучиб, бир-бирларини қучиб қўтлаётган одамлар ўйинга тушарди. Бу бетакрор манзарани кўриб, беихтиёр менинг ҳам кўзларимдан ёш оқарди. Ўғлим бўлса “Дада, одамлар сизга қараяпти”, дерди. Атрофимда менга ҳайрона термулиб турган бе-гона мухлисларга телефонимни тутқазиб, яна қаерда денг, қўшни давлатнинг бир қишлоғида акс этган бай-

лади, таржима қилинмайди. Аниқроғи, таржимаси ўхшамайди. Шундай сўзлардан бири “девятка”га урилган гол. У энг чиройли, энг қадрли гол ҳисобланади. Президентимизнинг ушбу ўйинга ташрифи, ёлиб футболчиларни бағрига босиб чин юракдан самимий табриклагани, уларга яп-янги машиналарни улашгани... бу ўйиннинг, бу қутлуг байрамнинг “девятка”га урилган унутилмас онлари бўлди!

Омад сизга ёр бўлсин, йигитлар!

**Ахрор АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Эрталаб тўрт уй наридаги қўшнимиз эшиги олдида учта енгил машина турганига кўзим тушиб, бирдан унинг аёлига бирор қор-қол бўлдим, деган ўй келди. Сабаби, у сурункали хасталикка чалинган, кўп вақти касалхоналарда ўтарди.

Шайтон кутқусига учиб, улар томонга юрдим-у... бирданига тўхтадим. Қарасам, уч йигит уй остонасига бетон қуйишяпти...

Яна усталарнинг ҳар бири ишлаш учун замонавий русумдаги енгил машинада келгани эътиборимни тортди. Бунақа уловларни харид қилиш айримлар наздида “эрта-ю кеч усти-бо-ши” лойга қоришиб юрадиган” усталарга эмас. Аслида эса...

ЖАРАЁН

ни бажарган қурувчилар олишади. Новвой аё-нинг кун давомидаги иш вақти кўпи билан тўрт-беш соатни ташкил қилади. Қолган вақтини фарзандлари тарбиясига бағишлайди.

Қиёматгача қаримайдиган ҳунар билан оила боқишни мақсад қилган хотин-қизларни бар-ча аҳоли масканларидан топасиз. Бугун бизнинг маҳаллада новвойлик билан рўзгорини боқаётган хотин-қизлар сони ўн нафарга яқинлашиб қолди.

Унинг исмига “кимёчи” лақабини қўшиб айтишади. Мактабда кимё фанидан яхши ўқи-ган-ўқимаганини билмаймиз-у, аммо маҳалла-да энг керакли инсон. Юзлаб гектар томорқа ва қўшимча томорқа ҳамда боғларни зарарли ҳашаротлардан сақлаш, яъни кимёвий ишлов

## ҚИМИРЛАГАН... “САРТІВА” МИНАДИ-ДА!

Ҳозир воҳада иморат тиклаш мавсуми ав-жида – усталар талаш. Лойдан ёки ғишдан том солишни режаланган инсонлар уларга навбатга ёзилиш билан овора.

Эллиқдан ошган жияним ўн йилларки, беш кишилик гуруҳ тузиб, баҳор оёғи, бутун ёз ва кеч кузгача қишлоқда уй қуради. Ҳатто қўшни қишлоқлардан ҳам буюртмалар тушади.

Ўзингиз хомаки ҳисобланг: ҳозир девор-нинг ҳар бир метрини кўтариш нархи уч юз минг сўм атрофида. Воҳада камида беш хонали имо-рат қуриш одат бўлган. Бу эса камида юз метр девор кўтарилади дегани. Шундан келиб чиқиб усталар ҳақи ўртача 30 миллион сўмни ташкил қилади. Мавсум давомида бир гуруҳ навбати билан унта иморатни емалол битказади. Бу ҳар бирига 60 миллион сўмдан иш ҳақи тегишини англатади. Олти ойнинг нари-берисида шунча маблағни ҳамма ҳам топавермайди. Яна устла-рида “Бўл, бўл!” деб турган буйруқчи йўқ. Хоҳла-ган пайти дам олишади. Ўй эгаси кун давомида камида уч марта иссиқ овқат беради.

Шундай экан, қимматбаҳо енгил машина-



ларни билагида куч-қуввати бор йигитлар ол-май, эртаю кеч “иш йўқлиги”дан нолишдан бош-қасини билмайдиган бекорчилар минсинми?

...Маҳалламизда ҳамма қатори оддий ҳов-лида турадиган 27 яшар йигит беш йилдан бери сўқимга ҳўқиз боқаяпти. Ихчамгина молхонасида ҳаммиша саккиз-ўн бош ҳўқиз қавш қайтариб ёта-ди. Тадбиркор йигитнинг қиладиган иши кунига уч марта ем бериш, ҳафтасига бир бора тагини тоза-лаш. Бўлди! Чамалаб кўрилса, бутун кун давомида иш вақти 3-4 соатдан ошмайди. Даромади эса...

“Боқиб учин ёшига етган, камида юз ки-ло тош босадиган буқачаларни харид қиламан. Бир йил боқсам, ҳар бири уч юз килоча тош бо-сади. Қассоблар ўзлари келиб олиб кетишади. Учдан бир даромад буқачаларни сотиб олишга, яна учдан бири ем-хашагига кетади. Учдан би-ри ёнимга қолади”, дейди у оддий қилиб. Ҳар боқилган ҳўқизнинг умумнарихидан учдан бири қанча бўлишни гўшт баҳосига уриб, ўзингиз ҳи-соблаб олавиринг!

Уша йигит уч йил олдин яп-янги “Каптив” олганида ҳайратланганлар топилди. Меҳнати самарасини танасида синаб кўрганлар “Қанди-ни урсин!” дейишди.

Қишлоғимизда фермер ҳўжалигининг од-дий ишчиси Худойшуккур икки йил олдин янги машина олганида “Фермерда ишлаб ҳам бой бўлиш мумкин экан”, деган гап-сўзлар урчиган-ди. У мавсумий қишлоқ ҳўжалиги ишларида қат-нашишдан ташқари бўш вақтлари томга тунука қоқади. Ўртача бир уйга 7-8 кун вақти кетади ва иш ҳақи кунига бир миллион сўмдан ошади. Йилига етти-саккиз томга тунука қоққан, бундан ташқари фермердан иш ҳақи ва такрорий экин сифатида ер олиб, шолӣ эккан уста Худойшуккур умрида бирор хориж давлатига иш қидириб бормаган...

Илгарироқ Хонқанинг Нуробод маҳалласи-да яшовчи Гўлсара опа Рўзматова ҳақида ёзган-дик. Ишсизлар рўйхатида турган аёл уйда тан-дир қуриб, нон ёпишни бошлайди. Иши юришиб, мижозлари ҳафта сайин ошиб, кунига ўртача 600 дона нон ёпиб, маҳалладошларига хизмат кўрсатишни йўлга қўяди. Ойлик даромади етти миллион сўмдан ошмироқ. Бу микдор маошини ҳар кун саккиз соат қурилишдаги оғир ишлар-

томорқасидаги мўъжазгина иссиқхонасида қў-чат етиштириб, миллионлаб даромад топишди. Икки ой иссиқхонада қўчат ҳозирлаган хонадон эгалари ўн беш миллион сўмни қуртдек санаб олишди.

Тенгқурим Ёқуббой Давлатов уч йил олдин эҳтиёжманд оила сифатида ҳокимлик томо-нидан берилган митти инкубаторда мавсумда беш-олти минг дона жўжа чиқаришни йўлга қўй-ганди. Бугун у давралар тўрида жўраларига гап бермайди...

Куни кеча қўшимча томорқамиздаги буғ-дойни ўрдирдик. Бу ишни ўроқ ускунаси ўн беш дақиқада бажарди ва эгаси саксон минг сўмни иш ҳақи сифатида олди. 25 ёшлардаги йигитдан кунлик даромади ҳақида сўрадим. “Бу ускуна-ни ўтган йили баҳорда 17 миллион сўмга сотиб олгандим. Буғдой ўроғида ўз нархини қоплади. Кузги шолӣ ўроқ мавсумида яна 25 миллион ишладим. Ҳозир кунига ўртача бир миллиондан зиёд пул топишман”, деди у бамайлихотир.

Воҳада буғдойдан бўшаган майдонларга такрорий экин сифатида шолӣ қўчатлаш бош-ланган. Бу мавсумий жараян кўпи билан уч ҳаф-та давом қилади. Шу мўддатда қишлоқ беш юз минг сўм ишлаб топадиган йигит-қизлар бор улар орасида.

Бир пайтлар қишлоғимизда иккитагина дўкон бўларди. Ҳозир уларнинг сони икки юз-дан ошган. Тасаввур қиялисизми, шунча хона-дон элдошларини керакли маҳсулотлар билан таъминлаб, шунинг орқасидан оила боқаяпти.

Бундай миллионлари юзлаб келтиришни мумкин. “Иш йўқ, суриш керак!” деб ижтимо-ий тармоқларни нолишларга тўлдириб юбора-диган баъзи фуқароларнинг ўй-хаёли “осмон-дан чалпақ ёғилишини” қутишга ўхшаб кетади. Уша “сурган” жойи – хорижда кунига ўн икки соатлаб, дам олиш кунларисиз ишлаб топгани-нинг учдан бирини йўл харажати, ҳужжатларни тўғрилашга сарфлаши аниқ.

Айтмоқчи бўлганимиз: излаган имкон то-пади, даромад эгаси бўлади. Фақат сабр керак, иштиёқ керак!

**Рўзимбой ҲАСАН,**  
“XXI asr” муҳбири

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ  
Бахтиёр ЯКУБОВ  
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Равшан МАМУТОВ

Нодир ЖУМАЕВ  
Мадина БАРОТОВА  
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва  
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил  
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 бошмақ табоқ,  
Буюртма рақами: Г – 645  
Адади: 5446  
Баҳоси келишилган нархда.  
Топширилди – 20:20

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер  
марказида терилди.

Саҳифаловчи:  
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:  
Фаррух ЖАББОРОВ